

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ РОЛИ**

Р.Т.Мавлянов

*Жамоат хавфсизлиги университети Ўқ отиш тайёргарлиги кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник*

И.И.Валиханов

*Жамоат хавфсизлиги университети Ўқ отиш тайёргарлиги кафедраси
катта ўқитувчиси, полковник*

Дунё тамаддуни саҳнасида давлатни давлат қилиб кўрсатадиган, унинг нуфузини белгилаб берадиган алоҳида норматив ҳуқуқий ҳужжат борки, у мамлакатнинг ва шу орқали халқнинг юзи ҳисобланади. Мана шундай фундаментал ва ягона ҳуқуқий ҳужжат бу – мамлакат Конституциясидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам шу қаторда юртимизга обрў келтириши билан биргаликда, фуқароларимизнинг ишончини оқлаб келмоқда, - десак муболаға бўлмайди. Мана 31 йилдирки, ўзининг бетакрорлиги, инсон қадри улуғланиши ғояларини акс эттирганлиги, инсон ва фуқароларнинг барча турдаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда кафолатловчи сифатида нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки жаҳонда ҳурмат қозонди. Сабаби, унда инсон қадри ва унинг манфаатлари ҳар нарсадан устунлиги ва унинг энг олий қадрият ҳисобланиши, барча норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асос бўлиб хизмат қилиши белгилаб қўйилганлигидадир. Қомусимизнинг янги муқаддимасининг мазмун-моҳияти бўйича жуда кўп ўйланганлиги, асосан миллий мафкурамизга таянилгани ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига амал қилиниши ёзиб қўйилганининг ўзи миллий маънавиятимизнинг ҳақиқий дурдонаси эканидан далолат беради.

Конституциямиз қабул қилинган кун муносабати билан бутун республикамизда тантанали тадбирлар ва кечалар, хар хил кўрик- танловлар ва турли мусобақалар ўтказилиши кенг анъанага айлангани барчамизга маълум. Асосий сиёсий тадбирларнинг энг нуфузлиси Давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилиши ва унда Президентимиз нутқ сўзлаши Ўзбекистон Республикасининг стратегик ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишида, “Конституциямизда белгилаб берилган қоида ва тамойиллар негизида самарали миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари шаклланиб, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий

салоҳияти юксалиб, халқимизнинг онгу тафаккури тобора ўсиб бораётгани, айниқса, аҳамиятлидир”¹, - деб таъкидланган.

Ушбу фармойиш асосида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган кунининг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев иштирок этиб, “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли маъруза билан чиқиш қилгани ва бунда билдирилган фикр-мулоҳазаларни, олдимизга қўйилиши муҳим бўлган устувор вазифаларни бутун халқимизга тарғибот-ташвиқот орқали етказишимиз муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этгани ва бунда 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топгани, ушбу Мурожаатнома концепцияси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тузилганини алоҳида айтиб ўтиш ўринли. Шуларни инобатга олиб, маъруза ва Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган мана шу рисола ни ўқувчиларга тақдим этмоқдамиз. Мақсадимиз фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга оз бўлсада ўз ҳиссамизни қўшишдир.

“Маъмурий ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад – ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат. ...Бизнинг мақсадимиз – халқ ҳокимиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу – биз яшаётган бугунги мураккаб даврнинг асосий талабидир. Такрор айтишга тўғри келади – одамларимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни бугун кутмоқда. Шу сабабли биз ўз фаолиятимизни «Буюк келажак бугундан бошланади» деган шиор асосида ташкил этишимиз, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга солишимиз зарур”⁷⁹. Албатта, ҳаётимизга кириб келаётган саккизта устувор масаланинг гербимиздаги мукамаллик рамзи бўлган саккиз қиррали ёрқин юлдуз сифатида ёдда сақлашимиз мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўтган аср 90 йилларидаги ўта оғир ва мураккаб вазиятларга қарамай, 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди. Шундан сўнг энг биринчи галдаги вазифа мамлакатни бошқарув аппаратини ташкил этиш ва бунинг учун эса ҳуқуқий асос бўлган Конституцияни қабул қилиш зарур эди. Миллий урф-одатларимизга, удум ва анъаналаримизга, кўп миллатли Ўзбекистон аҳолисини

⁷⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган кунининг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли нутқидан // Халқ сўзи, 2017. 7 декабрь.

хуқуқ ва эркинликларини ўзида тўла мужассам этган Конституциямиз жуда катта тортишувлар ва музокаралар асосида ҳамда бир неча маротаба халқимиз муҳокамасига қўйилиб, сўнггина қабул қилинди.

Ўша даврни ҳуқуқшунос олим Ҳ.Бобоев шундай эслайди: “Ўзбекистоннинг янги Конституциясини яратиш зарурлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ҳам СССРдек тоталитар давлат мавжудлиги бир шароитида XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йил мартида бўлган сессиясида кўтарилган эди. Олий Кенгашнинг 1990 йил 20 июнида бўлган XII чақириқ иккинчи сессиясида Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция Комиссияси ташкил этилди. Шу тариқа Ўзбекистон мустақил бўлган давлатларнинг барчасидан олдин ўз Конституциясини яратишга киришди. Бизнинг ёдимизда ўша мустақилликка қарата ташланган дастлабки дадил қадамлар. Айрим орамиздаги ҳуқуқшуносларимизнинг ҳаёлига ҳам келмаган дамлар. Одатда бизлар доимо марказда тайёр ёзилган қонунларни қабул қилиб, уларни таржима қилишдек амалиётдан нарига ўтмаган эдик. Бирданига ҳали тоталитар давлат машинаси амал қилиб турган бир шароитда суверен давлатнинг ҳуқуқий асоси Конституциясини биринчи бўлиб ёзишга киришиш ўша дамларда ҳақиқатдан ҳам давлат раҳбари Президентдан катта жасоратни талаб қилар эди.

1991 йил 12 апрелда Конституция комиссиясининг биринчи мажлисида лойиҳа устида бошланганлиги муносабати билан яна таниқли мутахассислар ва олимлардан иборат 32 киши ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳ Конституциянинг Концепцияси устида иш бошлади. Чунки тайёр ўзимизга мос бирорта ҳам назария, концепция йўқ эди. Натижада учта Концепция яратилди. 1. Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан ёзилган Концепция. 2. Сиёсатшунослик институти Концепцияси. 3. Президент девонининг ҳуқуқ давлат шўъбаси Концепцияси. Мазкур Концепциялар ўрганилиб, ягона умумлаштирилган Концепция ишлаб чиқилган эди. Ана шу ҳар томонлама муҳокамадан ўтган ва тасдиқланган Концепция асосида Конституция лойиҳаси тайёрланди. Тайёрланган Конституция лойиҳаси комиссия томонидан бир неча бор муҳокамадан ўтганидан кейин 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди.

1992 йил 21 ноябрда лойиҳанинг халқ муҳокамасидан кейин янгиланган вариантини эълон қилиниши билан Конституция лойиҳаси устида ишлаш янада жадаллашиб, мазмунан бойиди. Ва ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Конституциямиз қабул қилинди”⁸⁰.

Ҳа албатта, Конституциямизнинг қабул қилиниши тарихига оид барча маълумотларни бутун халқимиз, айниқса ёшларимиз жуда яхши билиши лозим. Келажак авлодларимиз ўзлигини англашида, тарихимизни холисона

⁸⁰Бобоев Ҳ., Ҳамраев А. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент. Фан ва технологиялар, 2015. - Б.51.

ўрганишида, қолаверса, энг тахликали вазиятларда тинч йўл билан мустақил бўлишимизда, ушбу тарихий ҳужжатнинг яратилишида ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган маънавий жасорат эгалари ҳақида ҳам албатта, билишлари шарт. Бунинг учун эса тарихимизга оид адабиётларни, ҳужжатли фильмларни ва кўрсатувларни кўпроқ тайёрлаб, халқимизга тақдим этиш олдимизда турган асосий вазифаларимиздандир.

Дарҳақиқат, ўша даврдаги мураккаб вазиятларда ўзининг қатъийлиги ва иродалилиги билан кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонган Ш.М.Мирзиёев ҳақида ҳуқуқшунос олим А.Саидов шундай ёзади: “Ўша даврда Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламент депутаты, Мандат комиссиясининг раиси ва Конституциявий комиссиянинг аъзоси сифатида Асосий Қонунни ишлаб чиқиш билан боғлиқ барча ишларда ва унда белгиланган энг муҳим вазифаларни ҳаётга чуқур татбиқ этиш жараёнларида Ислом Абдуғаниевич Каримов билан биргаликда, таъбир жоиз бўлса, елкама-елка туриб фаолият олиб борган¹.

Конституциямиз қабул қилиниши тарихига назар ташлар эканмиз, бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Бугун Конституциямизнинг 30 йиллик байрамини нишонлар эканмиз, Асосий қонунимизни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз. Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида 1990 йил июнь ойида тузилган Комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати натижасида Конституциянинг биринчи, иккинчи ва сўнгра учинчи лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу Комиссия аъзоси сифатида мен ана шу тарихий жараёнда бевосита иштирок этганимни доимо фахр билан эслайман. Конституциянинг яратилиши билан боғлиқ қизғин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар ҳали ҳам хотирамда.

Асосий қонунимиз икки марта – 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида умумхалқ муҳокамасига олиб чиқилди. Лойиҳалар муҳокамасида кенг жамоатчилик, бутун халқимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг тараққиёт йўли, унинг келажагига дахлдор кўплаб фикр-мулоҳазалар ва таклифларни билдирди. Умумхалқ муҳокамаси якунларига кўра, Бош қомусимиз лойиҳасига 100 га яқин тузатишлар киритилди ва 1992 йил 8 декабрь куни Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди”⁸¹.

Ўзбекистон ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтар экан, давр талаби ва ривожланиш асносида, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг ўсиши туфайли Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шу вақтга қадар тузатиш, қўшимча ва ўзгартишлар киритилганини алоҳида таъкидлаш билан бирга сўнги янгиланаётган Конституция Ўзбекистон

⁸¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинган куннинг 25 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли нутқидан // Халқ сўзи, 2017. 7 декабрь.

жамиятининг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий заруриятдир.

Сўнги олти йилда эришган ютуқларимизни, ислохотларнинг ортга қайтмаслигини ишончли конституциявий ҳимоясини таъминлаш, ушбу эришилган натижалар, ҳуқуқ ва эркинликлардан келажак авлодларимиз эмин-эркин фойдаланиши учун уларни Конституцияда муҳрлаб қўйишимиз зарур.

Ўзбекистон аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, хусусан ярмидан кўпи ёшлар бўлиши, уларга муносиб шароит қилиб бериш учун барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Буларнинг барчаси учун мустақам ҳуқуқий пойдевор зарур бўлиши, Янги Ўзбекистонга янгиланаётган Конституция кераклигини кўрсатмоқда.

2022 йил 25 июнидан 5 июлга қадар «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси учун қўйилди. Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси 2022 йил 15 июлга қадар, сўнгра эса 1 августгача узайтирилди. Муҳокамалар жараёнида аҳолимиздан жами 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушган. Таклифларнинг 56 фоизи эркаклар, 40 фоизи аёллар томонидан, 4 фоизи эса аноним тарзда билдирилган. 2023 йил 9-10 март кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Конституция халқимизнинг фикри, таклифлари 2 босқичда ўрганилиб, Конституция лойиҳаси тайёрланди. Конституция лойиҳасини шакллантириш учун аҳолимиздан 60 мингдан зиёд таклиф келиб тушди. Ушбу таклифларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олди.

Меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам яна 10 мингта қўшимча таклиф келиб тушди. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилди, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди. Депутатлар томонидан Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдум санасини 2023 йил 30 апрель деб белгилаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг референдумни ўтказиш тўғрисидаги қарори юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судининг хулосасини олиш тўғрисидаги масала қўллаб-қувватланди.